



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (83) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азәрбайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (83)

2025

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.

**БЕМОРЛАР ОРАСИДА КАНДИДА БИЛАН АССОЦИАЦИЯЛАНГАН
ПАРОДОНТИТНИ ЭТИОПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАНГАН ХОЛАТДА АНИҚЛАШ**

Казакова Н.Н. <https://orcid.org/0000-0002-9434-540X>
Комилов Қобилжон Одилжон ўғли <https://orcid.org/0009-0008-6196-7406>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий
кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Ушбу мақолада кандида таъсири натижасида юзага келадиган стоматологик касалликлар кенг тарқалганлиги, таъхислаш ва даволашда мураккаблиги, ушбу касаллик натижасида юзага келадиган пародонт тўқимаси касалликларининг тарқалиш даражасига қараб, оғиз бўйлиги гигиенасини яхшилаш ва профилактик самарадорлигини ошириш ва асоратлар ривожланишини камайтириш чора-тадбирлари келтирилган.

Калит сўзлар: Ассимиляция жараёни, иммунологик маркерлар, пародонт тўқимаси касалликлари, иммуно-гисто-химёвий текширув, этиопатогенетик қараш.

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЭТИОПАТОГЕНЕТИЧЕСКОГО СТАТУСА ПАРОДОНТИТА,
АССОЦИИРОВАННОГО С КАНДИДОЗОМ, У ПАЦИЕНТОВ**

Казакова Н.Н. <https://orcid.org/0000-0002-9434-540X>
Комилов Кобилжон Одилжонович <https://orcid.org/0009-0008-6196-7406>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

В данной статье представлены меры по улучшению гигиены полости рта, повышению эффективности профилактики и снижению развития осложнений в зависимости от распространенности стоматологических заболеваний, вызванных воздействием кандидоза, сложности диагностики и лечения, а также степени распространения заболеваний тканей пародонта, вызванных этим заболеванием.

Ключевые слова: Процесс ассимиляции, иммунологические маркеры, заболевания тканей пародонта, иммуногисто-химическое исследование, этиопатогенетическое видение.

**DETERMINATION OF PERIODONTITIS ASSOCIATED WITH CANDIDA IN AN
ETIOPATHOGENETIC-BASED STATE AMONG PATIENTS**

Kazakova N.N. <https://orcid.org/0000-0002-9434-540X>
Komilov K.O. <https://orcid.org/0009-0008-6196-7406>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

This article presents measures to improve oral hygiene and improve preventive effectiveness and reduce the development of complications, depending on the prevalence of dental diseases caused by Candida exposure, complexity in diagnosis and treatment, and the extent of the spread of periodont tissue diseases caused by this disease.

Key words: Assimilation process, immunological markers, periodont tissue diseases, immuno-histo-chemical examination, etiopathogenetic vision.

Долзарблиги

Организмга паразитлик қилувчи замбуруғларнинг 500 дан ортиқ турлари мавжуд. Замбуруғлар организмга ўзининг кўп қиррали таъсири билан ажралиб туради. Кандиданинг таъсири натижасида юзага келадиган стоматологик касалликлар кенг тарқалганлиги, ташхислаш ва даволашда мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Илмий манбаларда сўнгги беш йил давомида ўтказилган тадқиқотлар кандида натижасида юзага келадиган, оғиз бўшлиғи касалликлари 10% гача, турли синдромлар билан бирга эса бу касалликлар 12,3% гача кузатилиши қайд этилган [4,6].

Шу билан бирга кандида натижасида келиб чиқадиган, пародонт тўқимаси касалликларининг устунлик қилиши ҳамда 36,2% дан 43,1% гача кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат, касалликларнинг бошланғич босқичларининг аниқ белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам лаборатор текширувларда ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан тушунтирилади. Бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усуллари тақомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда [1,2,5].

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини олдини олиш, эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар кандида натижасида келиб чиқадиган пародонт тўқимаси касалликлари даво-профилактикасини тақомиллаштириш амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади [3,5].

Жаҳон миқёсида кандида натижасида юзага келадиган, стоматологик касалликларни даволашни тақомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий стоматологияда оғиз бўшлиғи касалликлари билан боғлиқ, кандида натижасида ривожланадиган касалликларнинг ўзига хос кечишини клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш; комплекс даволаш жараёнида стоматологик ва физиотерапевтик чораларнинг ўрнини баҳолаш; беморларнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш; кандидатлар натижасида юзага келадиган оғиз бўшлиғи органларининг иш фаолияти бузилишига асосланган даволаш профилактика усуллари тақлиф этиш; даволаш самарадорлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқишни тақомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади [5].

Тадқиқотнинг мақсади: Беморлар орасида кандида билан ассоциацияланган пародонтитни этиопатогенетик асосланган ҳолатда аниқлаш, эрта ташхислаш ҳамда даволашга қаратилган замонавий ёндашувларни тақомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари

Тадқиқотнинг объекти сифатида CENTRAL ASIAN MEDICAL UNIVERSITY ти клиникаси қабул бўлимига мурожаат этган 150 нафар энергетик ичимликлар натижасида юзага келган тиш каттиқ тўқимаси касалликлари мавжуд беморлар ва назорат гуруҳи учун 82 нафар шу ёш контингентдаги энергетик ичимликлардан холи ёшлар олинди.

Олинган натижа ва таҳлиллар

Ишнинг амалий аҳамияти, кандида билан ассоциацияланган пародонтит тўқимаси касалликлари мавжуд беморларда стоматологик касалликларнинг тарқалиш даражаси ва асосий хавф омилларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишдан иборат.

Ушбу контингентга мансуб беморларда пародонт тўқимасининг клиник белгиларини ўзига хосликлари аниқланади ва ҳар бир гуруҳ учун индивидуал ёндашув қўллаган ҳолда, олдини олиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий тиббиётга тадбиқ этилиши кандида натижасида юзага келадиган пародонт тўқимаси касалликларини олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Кандида натижасида юзага келадиган пародонт тўқимаси касалликларининг тарқалиш даражасига қараб, оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилаш ва профилактик самарадорлигини ошириш ва асоратлар ривожланишини камайтириш имконини беради.

Кандиданинг таъсири натижасида юзага келадиган стоматологик касалликлар кенг тарқалганлиги, ташхислаш ва даволашда мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Илмий манбаларда сўнгги беш йил давомида ўтказилган тадқиқотлар кандида натижасида юзага келадиган, оғиз бўшлиғи касалликлари 10% гача, турли синдромлар билан бирга эса бу касалликлар 12,3% гача кузатилиши қайд этилган. Шу билан бирга кандида натижасида келиб чиқадиган, пародонт тўқимаси касалликларининг устунлик қилиши ҳамда 36,2% дан 43,1% гача кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат, касалликларнинг бошланғич босқичларининг аниқ белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам лаборатор текширувларда ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан тушунтирилади. Бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усуллари тақомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда [3,4].

Кандидоз замбуруғли касаллик бўлиб, асосан оғиз бўшлиғи, шиллик пардалар ва терини, баъзан эса ички органларни ҳам зарарлайди. У турли шаклларда, шу жумладан ҳазм қилиш, нафас олиш ва сийдик-таносил тизимлари, шунингдек тери қопламаларида намоён бўлиши мумкин. Имун система анчагина сусайиб қолган маҳалларда кандидоз сепсис (генерализацияланган кандидоз) бошланиши мумкин, бу нарса жиддий асоратларга олиб келиши мумкин [2,5].

Кандидоз одатда шиллик пардаларда учрайдиган кандида замбуруғлари туфайли юзага келади. У иммунитет бузилганида ёки дисбактериозда бошланиши мумкин. Оғиз бўшлиғи кандидози ташувчи билан алоқа қилиш, дисбактериоз ёки иммунитет тизимининг бузилиши туфайли юзага келади. Кўпинча ҳомиладорларда, чала туғилган болаларда, ОИВ юққанларда, сил ва бошқа касалликларда учрайди [3,6,7].

Хулоса

Олиб қўйиладиган тиш протезидан фойдаланадиган кексаларда (кўпинча аёлларда) баъзан оғиз бурчаклари териси шилиниб ёрилади, бунда кандида замбуруғининг кўпайиши учун қулай шароит туғилади, аксари лаб бурчакларида жароҳатлар кузатилади. Милк касалланади, тирноқ ғадир-будур, хира, мўрт бўлиб қолади, четлари қайрилиб, ўрнидан қочади; тирноқ билан эт орасига йиринг йиғилади. Бунда шиллик қават оқ қараш билан қопланади, сузмасимон чиқинди ажралади, аксари қичишади. Касалликнинг олдини олишда гигиена қоидаларига риоя қилиш ва фақат врач-стоматолог буюрган дориларни ичиш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Городко М., Бюрклин Т., Раецке П., Ратка Крюгер П. Клинические исследования эффективности нового ультразвукового прибора для пародонтотерапии // *Parodontologie*, 2003;14/2:143-159.
2. Жиновский Ф. Безболезненная терапия пародонта // *Клиническая стоматология*, 2003;1:48-50.
3. Мелехов С.В. Роль дрожжеподобных грибов рода *Candida* в развитии патологии пародонта / С.В.Мелехов // *Маэстро*. 2007;2:72-75.
4. Сергеев А.Ю. Кандидоз / А.Ю.Сергеев, Ю.В.Сергеев. М.: Триада-Х, 2001; 472 стр.
5. Шумский А.В. Кандидоз полости рта / А.В.Шумский, В.А.Железняк. – Самара, 2008; 199 стр.
6. Шумский А.В. Противогрибковая и иммуномодулирующая лимфотропная терапия кандидоза слизистой оболочки полости рта / А.В.Шумский, М.М.Пожарицкая, Е.В.Юрченко // *Стоматология*. 1996;75(4):17-20.
7. Jarvensivu A. *Candida* yeasts in chronic periodontitis tissues and subgingival microbial biofilms in vivo / A. Jarvensivu et al. // *Oral. Dis*. 2004;10(2):106-12.

Қабул қилинган сана 20.08.2025